

## Имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / Олти саҳиҳ имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / 240-ҳадис

240 - عَنْ أَنَسٍ، وَهَذَا حَدِيثٌ بَهْرٌ، قَالَ: لَمَّا انْقَضَتْ عِدَّةُ زَيْنَبَ، قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ لَزَيْدٍ: «فَادْكُرْهَا عَلَيَّ»، قَالَ: فَانطَلَقَ زَيْدٌ، حَتَّى أَتَاهَا وَهِيَ تُحَمِّرُ عَجِينَهَا، قَالَ: فَلَمَّا رَأَيْتُهَا عَظُمْتُ فِي صَدْرِي، حَتَّى مَا أَسْتَطِيعُ أَنْ أَنْظُرَ إِلَيْهَا، أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ ذَكَرَهَا، فَوَلَّيْتُهَا ظَهْرِي، وَنَكَصْتُ عَلَى عَقْبِي، فَقُلْتُ: يَا زَيْنَبُ، أَرْسَلَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَلْعَنُكَ، قَالَتْ: مَا أَنَا بِصَانِعَةٍ شَيْئًا، حَتَّى أُوَامِرَ رَبِّي، فَقَامَتْ إِلَى مَسْجِدِهَا، وَتَرَلَّ الْقُرْآنُ، وَجَاءَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَدَخَلَ عَلَيْهَا بَعِيرٌ إِذْنٍ، قَالَ، فَقَالَ: وَلَقَدْ رَأَيْتُنَا أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَطْعَمَنَا الْخُبْزَ وَاللَّحْمَ حِينَ امْتَدَّ النَّهَارُ، فَخَرَجَ النَّاسُ، وَبَقِيَ رِجَالٌ يَتَحَدَّثُونَ فِي الْبَيْتِ بَعْدَ الطَّعَامِ، فَخَرَجَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَاتَّبَعْتُهُ، فَجَعَلَ يَتَّبِعُ حُجْرَةَ نِسَائِهِ يُسَلِّمُ عَلَيْهِنَّ، وَيَقُولُنَّ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، كَيْفَ وَجَدْتَ أَهْلَكَ؟ قَالَ: فَمَا أَدْرِي أَنَا أَحْبَبْتُهُ أَنَّ الْقَوْمَ قَدْ خَرَجُوا أَوْ أَحْبَبْتَنِي، قَالَ: فَانطَلَقَ، حَتَّى دَخَلَ الْبَيْتَ، فَذَهَبْتُ أَدْخُلُ مَعَهُ، فَأَلْقَى السِّتْرَ بَيْنِي وَبَيْنَهُ، وَتَرَلَّ الْحِجَابُ، قَالَ: وَوَعِظَ الْقَوْمَ بِمَا وُعِظُوا بِهِ، زَادَ ابْنُ رَافِعٍ فِي حَدِيثِهِ: { لَا تَدْخُلُوا بُيُوتَ النَّبِيِّ إِلَّا أَنْ يُؤْذَنَ لَكُمْ إِلَى طَعَامٍ غَيْرٍ نَاطِرِينَ إِنَاهُ } إِلَى قَوْلِهِ { وَاللَّهُ لَا يَسْتَحْيِي مِنَ الْحَقِّ }.

[خ 4793، م 1428، ت 3217، س 3252، د 3743، ج 1908].

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Зайнабнинг иддаси чиққач, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Зайдга: «**Уни менга сўраб бер**», дебдилар. Зайд жўнабди. Унинг олдига борибди. У хамир қораётган экан. У (Зайд) шундай дебди: «Уни кўргач, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни зикр қилганларидан кўнглимда

ҳурматим ошди, ҳатто унга қарай олмадим ва орқага ўгирилиб, ортимга тисарилиб, «Эй Зайнаб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сенинг қўлингни сўраб, мени юбордилар», дедим. У: «Роббимга истихора қилмагунимча ҳеч нарса қилмайман», деди-да, туриб, саждагоҳига кириб кетди. (Шунда бу ҳақда) Қуръон (ояти) нозил бўлди, сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг олдига изн сўрамай кирдилар».\*

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кун ёйилган пайт бизга нон ва гўшт едирганлари биламан. (Зиёфатдан сўнг) одамлар чиқиб кетишди, айрим кишилар эса емакдан кейин гаплашиб, уйда ўтириб қолишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ташқарига чиқдилар. Мен у зотга эргашдим. Аёлларининг ҳужраларини айланиб, уларга салом бериб чиқдилар. Улар: «Эй Аллоҳнинг Расули, аҳлингиз қалай экан?» дейишди. Билмайман, одамлар чиқиб кетганини у зотга мен хабар қилдимми ёки у зот менга хабар қилдиларми, хуллас, бориб, уйга кирдилар. Мен ҳам бирга кирмоқчи бўлган эдим, мен билан ўзларининг ўрталарига парда ташладилар. Ўшанда ҳижоб (ояти) нозил бўлди. Бу одамларга етарли ваъз-насиҳат бўлди».

(Ровий) Ибн Рофеъ шундай қўшимча қилади: **«Набийнинг уйларига кирманг. Сизларга емакка изн берилганидагина унинг пишишига мунтазир бўлмайдиган бўлиб (киринг). Лекин чақирилсангиз, киригда, еб бўлгач, тарқалинг, гапга берилиб кетманг. Албатта, бундай қилишингиз Набийга озор беради. У сизлардан ҳаё қилади. Аллоҳ ҳақдан ҳаё қилмайди».**[1]

*Имом Бухорий, Муслим, Термизий, Насаий, Абу Довуд ва Ибн Можжа ривоят қилишган.*

\* Қуръон ояти нозил бўлиб, Аллоҳ таоло Зайнаб розияллоҳу анҳони Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга никоҳлаганини эълон қилгани учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг олдига изн сўрамай кириб борганлар. Шунинг учун ҳам Зайнаб розияллоҳу анҳо бошқа аёлларга «Мени Аллоҳ таолонинг Ўзи никоҳлаган», деб фахрланиб юрганлар.

[1] Аҳзоб сураси, 53 оят.

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



HADIS.ISLOM.UZ  
NUBUVVAT MARVAIDLARI

